## 11-сонли Ш А Р Т Н О М А

2022 йил "20" январь Олтиарик

"Ўзбекистон почтаси" АЖ Фарғона филиали Олтиарик почта алоқа боғламаси бошлиғи ________ бундан буён бир томондан "Бажарувчи" деб юритилади, низом асосида харакат қилувчи, иккинчи томондан Олтиарик Ирригация бўлими Ш. Абдуҳойилов низоми асосида иш юритувчи бундан буён "Буюртмачи" деб юритилади ва куйидагилар хакида ушбу шартнома тузилди.

### 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. "Бажарувчи" чи "Буюртмачи" нинг буюртмасига асосан 202_ йил даврий обуна бўйича тегишли тартибда хизмат кўрсатади, "Буюртмачи" эса кўрсатилган хизмат учун тўловларни белгиланган тартибда амалга ошириш мажбуриятини оладилар.

### II. ШАРТНОМА НАРХИ

| т/р | Газета ва журнал номи | Обуна даври | Обуна Микдори | Йиллик обуна нархи | Суммаси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Халқ сўзи газетаси | 11 ой | 4 | 801790 | 3207160 |
| 2. | Народное слово | 11 ой | 2 | 801790 | 1603580 |
| 3. | Янги Ўзбекистон | 11 ой | 1 | 1142900 | 1142900 |
| 4. | XXI аср | 11 ой | 3 | 461175 | 1383525 |
| 5. | Фарғона ҳақиқати | 11 ой | 4 | 385000 | 1540000 |
| 6. | | | | | |
| 7. | | | | | |
| 8. | | | | | |
| 9. | | | | | |
| 10. | | | | | |
| 11. | | | | | |
| 12. | | | | | |
| 13. | | | | | |
| 14. | | | | | |
| 15. | | | | | |
| 16. | | | | | |
| 17. | | | | | |
| 18. | | | | | |
| 19. | | | | | |
| 20. | | | | | |
| 21. | | | | | |
| 22. | | | | | |
| 23. | | | | | |
| | Жами | | | | 8877165 |

### III.ХИСОБ-КИТОБ КИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. "Буюртмачи" 2021 йил обуна учун олдиндан, кўрсатилган хизматнинг 100 фоизи микдорида пул маблағини ўтказиш йули билан тўловни амалга оширади. "Бажарувчи" тегишли бўлган хизмат турини кўрсатади.

### IV. ХИЗМАТ КЎРСАТИБ БЕРИШ МУДДАТИ.

4.1. "Бажарувчи" мазкур шартнома қонуний кучга киргандан сўнг обунани 2022 йил 1 январдан 2022 йил 31 декабргача белгиланган тартибда "Буюртмачи"га етказиб беради.

### V. ХИЗМАТ СИФАТИ

5.1. Етказиб берилаётган хизмат сифати белгиланган стандартларга (мувофиклик сертификати), ишлаб чикариш меъёрий хужжатлар ва "Буюртмачи"нинг талабларига мос келиши шарт.

### VI. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. "Бажарувчи"мажбуриятлари:

Шартномада кўрсатилган талабларга риоя килган холда ўз вақтида "Буюртмачи"га хизматни кўрсатиш;

Шартноманинг шартлари "Буюртмачи" томонидан бузилганда кўрсатилаётган хизматни тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга;

"Бажарувчи" етказиладиган хизматлар учун хисоб-варакларда тўлик ва аник номини, хизмат тури, категориясини ва бошқа кўрсаткичларини кўрсатиши шарт. Шунингдек, хисоб-варақларни белгиланган тартибда рақамлаб, тўлиқ реквизитларни расмийлаштириш лозим.

6.2. "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:

"Буюртмачи" шартномада белгиланган талабларга риоя килган холда тўловларни амалга ошириш, хизматларни далолатнома тузиб ушбу шартномада ва қонун хужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, турига, сифатига қараб ўз вақтида хизматларни қабул қилиб олиши лозим.

Тегишли даражада сифатли бўлмаган хизмат тўғри кўрсатилгани аниқлангандан сўнг, ушбу тўғрисида тегишли далолатнома тузилиб бу хакида 3 кун ичида "Бажарувчи"ни огохлантириш.

Тўлик расмийлаштирилмаган хамда хизматнинг сифати, тури ва категориялари кўрсатилмаган хисоб-варақлар бўйича тўловлар амалга оширилишига йўл қўйилмайди.

## VII. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ижро этилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган талаблар асосида жавобгардирлар.

7.2. "Бажарувчи" томонидан "Буюртмачи"га хизматларни белгиланган муддатларда кўрсата олмаса, кечиктирилган хар бир кун учун 0,5 % микдорида "Буюртмачи"га пеня тулайди, лекин пеня микдори кўрсатилмаган хизмат кийматининг 50 % дан ошмаслиги керак.

7.3. Шартнома талабларида кўрсатилган белгиланган сифатлардаги хамда бутлашдаги хизмат етказиб берилмаган такдирда, айбдор тараф ушбу хизмат кийматининг 20 % микдорида жарима тўлашига сабаб булади.

7.4. "Буюртмачи" томонидан кўрсатилган хизматлар учун тўловлар ўз вактида амалга оширилмаган тақдирда кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0,5 % микдорида "Бажарувчи"га пеня тулайди, бунда пенянинг умумий микдори кечиктирилган сумманинг 50 % дан ортик бўлмаслиги лозим.

## VIII. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

8.1. Хеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Фавқулотда тусдаги холатларга: сув тошкини, ёнгин, ер қимирлаши ва бошка табиий офатлар, шунингдек харбий харакатлар, давлат органларининг актлари ёки харакатлари ва тарафлар назорат кила олмайдиган бошка хар кандай холатлар тегишлидир.

8.2. Тарафлар ушбу шартномада курсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тугрисида албатта иккинчи тарафни огохлантириши шарт.

8.3. Агар бартараф килиб булмайдиган куч 1 ой давомида узлуксиз равишда давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огохлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиш еки қўшимча ижро муддатларини белгилашлари мумкин.

## IX. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

9.1. Ушбу шартномани бажариш, ўзгартириш ва уни бекор қилишда пайдо бўладиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан хал килинади. Ўзаро келишилмаган тақдирда мавжуд низо иқтисодий суди оркали Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари асосида хал қилинади.

9.2.Ушбу шартномага киритиладиган барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар шартномага тегишли қўшимчалар расмийлаштирилганда томонларнинг ўзаро келишувига кўра бир хил юридик кучга эга бўлади ва шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

9.3. Шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига хамда амалдаги қонун хужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган холда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

9.4. Ушбу шартнома 2022 йил "20" I дан 2021 йил 31. XII амал қилади.

9.5. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, ғазначилик бошкармаси (бўлими)да белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилганидан сўнг қонуний кучга киради.

9.6. Шартнома икки нусхада тузилди тарафларга берилди.

## ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

## XI. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

| "Бажарувчи" | "Буюртмачи" |
| --- | --- |
| Олтиариқ почта алоқа боғламаси | Олтиариқ Ирригация бўлими |
| Х/Р 22612000700155266504 | Манзил: Мустақиллик кўчаси 136 уй |
| ИНН 200833833 МФО 00401 | х/р: 23402000300100001010 |
| Алоқа банк Тошкент шахар | ШХР: 100022860302037042402170001 |
| тел.: 73-432-20-69 | ИНН: 207263920 |
| | МФО: 00014 Марказий банк |
| Раҳбар | Раҳбар Ш. Абдикайимов |
| М.У. | М.У. (имзо) |

Электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, Ҳужжат коди: RC6232078506

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TUG`RISIDA

# HUQUQIY XULOSA

# № BG28786354

1.Loyihaning turi: Shartnoma

2.Loyihaning nomi:

Obuna buyicha 2022 yil 20 yanvar kungi 11-sonli.

3.Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:

Loyiha Oltiariq tumani irrigatsiya bo`limi bilan "O'zbekiston pochtasi" AJ tomonidan ishlab chiqilgan va markazga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 2022 yil 20 yanvar kuni kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tasdiqlab, ijroga qaratish mumkin.

**Markaz bosh yuriskonsulti** **D.Ashmatov**

2022 yil 20 yanvar